

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 210299 на приобретение Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 21.12.2022

Время рассмотрения 09.12.2022 13:00

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Архитектура ва курилиш бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	PO'LATOV ELMUROD TOXTABOYEVICH	Рахбар	Тошкент вил КББ
Секретарь комиссии	XUJABEKOV ABDULAZIZ ASHIRBOYEVICH	Мутахассис	Тошкент вил КББ
Член комиссии	IBRAGIMOV ASLIDDIN XOLMUMHAMMADOVICH	хисобчи	Тошкент вил КББ
Член комиссии	SAIDXODJAYEV BUNYOD SAYDIGANIYEVICH	Бошлик уринбосари	Тошкент вил КББ
Член комиссии	NISHONOV DAVLATBEK ISMOILOVICH	Булим бошлиги	Тошкент вил КББ
Член комиссии	ABDULLAYEV XUSNIDDIN SAYFULLAYEVICH	хисобчи	Тошкент вил КББ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.12.2022 года № лота 210299.
Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 8

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по проектно - изыскательной работе
Подробное описание	Ангрен шаҳар Боботог мфй бош режа схемаларини ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	9 051 300.00
Стартовая сумма	9 051 300.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қарори ва шаҳарсозлик талаблари асосида лойихани ишлаб чиқиш жамоатчилиги муҳокамасидан ўтказиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	10	10	9	Экспертная		
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	10	Гувоҳнома и лицензия	10	Экспертная		

Критерий №2 Солиқдан қарздорлиги тўғрисида ҳужжат молявий натижа баланс

Тип: Текстовое значение

Описание: Ангрэн шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	10	10	9	Экспертная		
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	10	Справка с банка и налога	10	Экспертная		

Критерий №3 Корхонага таалукли барча хужжатларни асл нусхасини тақдим қилиш зарур Гувоҳнома, Устав, Тасис Шартномаси, НДС гувоҳнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Ангрэн шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	10	10	9	Экспертная		
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	10	Хамма хужжатлар	10	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Услуга по проектно - изыскательной работе

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	9 051 300.00	9 000 000.00 UZS	9 000 000.00	00.00	9 000 000.00
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	9 051 300.00	9 050 000.00 UZS	9 050 000.00	00.00	9 050 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 9 051 300.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценки стоим (балл)
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	9 000 000.00 UZS	9 000 000.00	00.00	00.00	9 000 000.00	16.12.2022 15:21:07	10
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	9 050 000.00 UZS	9 050 000.00	00.00	00.00	9 050 000.00	15.12.2022 16:07:15	9.9447

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	90	10	100
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	81	9.94475	90.94475

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 210299 от 21.12.2022 года на приобретение Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш определила победителем:

"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi
200624959

и резервный исполнитель: ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA" (206994012)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	PO'LATOV ELMUROD TOXTABOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	IBRAGIMOV ASLIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	SAIDXODJAYEV BUNYOD SAYDIGANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NISHONOV DAVLATBEK ISMOILOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV XUSNIDDIN SAYFULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**Шахарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
210299-сонли шартнома**

Тошкент ш.

2022 йил «23» 12

Тошкент вилояти “Курилиш Бош бошқармаси” кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи бошқарма бошлиғи Э.Т.Пулатов бир томондан, ҳамда “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК, кейинги ўринларда “Лойихаловчи” деб аталувчи ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи Бош директор ўринбосари Р.С.Шарифов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. “Лойихаловчи” буюрмачининг 2022 йил 21 декабрдаги танлов учун харид комиссиясининг №210299 лот бўйича ўтказилган баёнига асосан “**Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш**” мажбуриятини ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, ишлар бўйича харажатларни ўз вақтида тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Лойихаловчи” “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш, лойихалаш топшириқларида кўрсатилган ишларни шартномаси асосидаги муносабатлар, Фуқаролик кодекси, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шунингдек 2011 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва ҳудудий қисмларини ривожлантиришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқариш баҳосини аниқлаш бўйича вақтинчалик методик тавсиянома ва шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқаришда жорий нархлар ҳисобидаги вақт сарфи нормаларини ишлаб чиқариш ҳақидаги методик қўлланма ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради.

1.3. Бажариладиган ишларнинг мазмуни, нархи муддати қуйидаги иловаларда кўрсатиб ўтилган:

- шартнома нархининг келишув баённомаси (1-сонли илова)
- бажариладиган ишларнинг календар режаси; (2-сонли илова)
- шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш харажатлар сметаси (3-сонли илова).

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

2.1.1. “Лойихаловчи” ўз вақтида ишни бажариш учун керак бўладиган ва талаб қилинган лойиха олди хужжатлар, техник топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларни ўз вақтида бериш.

2.1.2. Бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш.

2.1.2. Ишлар бажариб бўлинганидан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Лойихачига тўлаш ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини шартномада белгиланган муддатларда тўлаш;

2.1.3. Олинган шаҳарсозлик хужжатларини фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш, хужжатларини “Лойихаловчи”нинг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги;

2.1.4. Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқишда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда “Лойихаловчи”га хизмат кўрсатиш;

2.1.5. Шаҳарсозлик хужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиш, зарур бўлганда “Лойихаловчи”ни жалб қилиш;



2.1.6. “Лойиҳаловчи”га боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли лойиҳа ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни “Лойиҳаловчи”га тўлаш;

2.2. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга “Лойиҳаловчи”ни жалб қилиш.

2.2.2. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш топшириғига асосан бажарилиши лозим бўлган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, “Буюртмачи” қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини “Лойиҳаловчи”нинг ҳисобидан бепул қайтадан тўлиқ, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

2.3. “Лойиҳаловчи” мажбуриятлари:

2.3.1. Ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ бажариши;

2.3.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек, буюртмачи билан бирга тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиши;

2.3.3. Тайёр бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши;

2.3.4. “Буюртмачи”нинг розилигисиз шаҳарсозлик ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

2.3.5. Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида талаб қилинган ҳолларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш;

2.3.6. Буюртмачидан ишни бажариш учун керак бўладиган барча ахборотларни талаб қилиб олиш.

2.3.7. Бажарилган ишларни белгиланган тартибда ва муддатда топшириш.

2.4. “Лойиҳаловчи”нинг ҳуқуқлари:

2.4.1. “Буюртмачи” томонидан берилган топшириғи ва бошланғич маълумотлар ўзгарганда лойиҳа ҳужжатларига ўзгартириш киритиш;

2.4.2. Лойиҳа ишларини ишлаб чиқиш жараёнида “Буюртмачи” томонидан берилган топшириқга асосан бошланғич маълумотлар етказиб бериш, ҳамда олдиндан тўлов кечиктирилса бажариладиган ишларнинг календар режасини ўзгартириш.

3. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

3.1. Лойиҳалаш ишлар қуйидаги шартлар асосида бошланади:

3.1.1. “Лойиҳаловчи”нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин;

3.1.2. Лойиҳа ишларини амалга ошириш учун топшириқ тегишли тартибда келишилганда ва тасдиқлангандан кейин;

3.1.3. Лойиҳа ишларини бажариш учун бошланғич ҳужжатлар топширилгандан кейин;

3.1.4. Мазкур ҳужжатлар тақдим этиш кечиктирилганда ишнинг бажариш муддати ҳам узайтирилади;

3.1.5. “Лойиҳаловчи” ишларни (ёки тегишли босқичини), бажариб бўлгач “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини тақдим этади.



3.1.6. “Буюртмачи” бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш далолатномасини қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Лойиҳаловчи”га имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

3.1.7. Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

3.1.8. Бажарилган иш ҳажми “Буюртмачи” томонидан эътирозсиз тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг “Буюртмачи” далолатномани имзолаб, 10 кун муддатда “Лойиҳаловчи”га далолатномада кўрсатилган маблағнинг тўлиқ тўлаб бериши шарт.

3.1.9. Агар “Буюртмачи” бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш далолатномасига имзо чекмаса, эътирозини билдирмаса, “Буюртмачи” томонидан иш қабул қилинган ҳисобланади ва тўлов учун асос бўла олади.

4. Шартнома нархи ва ҳисоб-китоб тартиби

4.1. Бажариладиган ишларнинг қиймати томонлар ўртасида имзоланган келишув баённомаси асосида 9 000 000 (Тўққиз миллион) сўмни (15% ҚҚС билан) ташкил этади.

4.2. Бажариладиган ишлар баҳоси ушбу шартномага кўшимча келишув асосида ўзгартирилиши мумкин.

4.3. “Буюртмачи” “Лойиҳаловчи”га шартномани белгиланган тартибда ҳудудий Ғазначилик рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 3 (уч) банк кунида шартнома қийматининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдоридан бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.4. Тўловнинг қолган қисми амалда бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида 5 (беш) банк кунида “Лойиҳаловчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

4.5. Бажариладиган иш ҳажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

4.6. Бажариладиган ишнинг қиймати, нархи ошганлиги натижасида ўзгарганда, “Буюртмачи”ни олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нарҳини асослаган ҳолда иш бажарилади.

4.7. «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида кўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага кўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

4.8. Лойиҳа-смета ҳужатларининг аниқ нархи давлат экспертиза кўригидан ўтказилганидан сўнг, уларнинг ҳулосаси асосида аникланади.

4.9. “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловнинг санаси шунингдек, бирламчи маълумотларни тўлиқ тақдим этган муддатига қараб, ишларни яқунлаш муддатини икки томон келишувига асосан ўзайтиради.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартнома мажбуриятларини бажармаган томон Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида жавобгарликка тортилади.

5.2. “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Лойиҳаловчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоиз миқдоридан пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 20 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.



5.4. “Лойиҳаловчи” шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажаришда, олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 20 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.5. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Лойиҳаловчи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.6. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 (беш) иш кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 (ўн) иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

5.8. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 25–32–моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.9. Томонлар низолар бўйича келиша олмаган ҳолда Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожат қилиш ҳуқуқига эга.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат натижасига мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Лойиҳаловчи” ва “Буюртмачи” лойиҳани давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидур.

6.3. “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Лойиҳаловчи” учун “форс-мажор” ҳолатига тенг ҳисобланади.



7. Қўшимча шартлар

7.1. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.2. Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3(уч) банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

7.3. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш вақтида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Тошкент иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказгандан кейин 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

8.2. Мазкур шартноманинг муддати тарафлар мажбуриятини тўлиқ бажаришдан озода этиш учун асос бўла олмайди.

8.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва ҳар бири бир хил юридик кучга эга бўлиб, тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

9. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан



қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми

- 10.1. Шартнома нархининг келишув баённома (1-сонли илова)
- 10.2. Бажариладиган ишларнинг календар режаси; (2-сонли илова)
- 10.3. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлар сметаси (3-сонли илова).


11. Томонларнинг реквизитлари

Бош лойиҳа ташкилоти
“ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК

Манзил: 100100, Тошкент ш.
Бобур кўчаси, 14
Тел.: 215-62-55; факс: 255-69-82
х/р: 2021 0000 0001 7697 0001;
МФО 01098; “Трастбанк” ЧАБ
Тошкент ш. Яққасарой тумани
СТИР: 200 624 959;
ОКЭД 71110; РКП НДС: 326 040 006 510

Буюртмачи
Тошкент вилояти

“Қурилиш Бош бошқармаси”

Манзил: Тошкент ш. Х.Байқаро кўчаси, 4-уй



Р.С.Шарифов


Э.Т.Пулатов


А.Авезов



2022 йил «23» 12 даги

210299 -сонли шартномага 1- сонли илова

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома нархи бўйича келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўювчилар, “Буюртмачи” томонидан Тошкент вилояти “Қурилиш Бош бошқармаси” номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи бошқарма бошлиғи Э.Т.Пулатов ва “Лойиҳачи” томонидан “ToshkentboshplanLITI” давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи Бош директор ўринбосари Р.С.Шарифов, шартномада лойиҳалаш объекти “**Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш**” объекти учун шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан: 2022 йил «23» 12 даги 210299-сонли шартнома баҳоси 15% ҚҚС билан Бажариладиган ишларнинг қиймати томонлар ўртасида имзоланган келишув баённомаси асосида 9 000 000 (Тўққиз миллион) сўмни (15% ҚҚС билан) ташкил этади.

сўмни сўмни ташкил этади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Лойиҳачи”

“Буюртмачи”

“ToshkentboshplanLITI” ДУК

Тошкент вилояти
“Қурилиш Бош бошқармаси”

Бош директор
ўринбосари

Р.С.Шарифов

Бошлик

Э.Т.Пулатов



2022 йил «23» 12 даги
210 299 -сонли шартномага 2-сонли илова

“Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш”
Объектининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш учун
КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ

т/р	Ишнинг номланиши	Ишнинг муддати (бошланиши ва яқулланиши)	Ишнинг нарх қиймати сўм
	2	3	4
	“Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш”	Бошланиши: Буюртмачи томонидан бошланғич тўлов ва дастлабки маълумотлар тақдим этилгандан сўнг. Яқулланиши: 31.12.2022й.	9 000 000 (Тўққиз миллион) сўм.

Жами: 15% ҚҚС билан 9 000 000 (Тўққиз миллион) сўм.

Лойиҳачи

“ToshkentboshplanLITI” ДУК

Бош директор
ўринбосари


Р.С.Шарифов

Буюртмачи

Тошкент вилояти
“Қурилиш Бош бошқармаси”

Бошлик


Э.Т.Пулатов

2022/134/557

2022 йил «23» 12 даги
2022/134-сонли шартномага 3-сонли илова

Объектни номланиши: “Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш” объектининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Лойиҳа тадқиқот ишлари учун

СМЕТА ҲИСОБИ

/р	Иш турлари	Асос	Нархни нг келиб чиқиши	Қийм ат сўм.
	2	3	4	5
	“Ангрен шаҳри (Боботог МФЙ) бош режа схемалари ишлаб чиқиш” объектининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	Буюрмачининг 2022 йил 21 декабрдаги танлов учун харид комиссиясининг №210299 лот бўйича ўтказилган баёнига асосан		
Буюрмачининг 2022 йил 21 декабрдаги танлов учун харид комиссиясининг №210299 лот бўйича ўтказилган баёнига асосан				
	Лойиҳа қиймати:			7 826 087
	ҚҚС 15%			1 173 913
	Ҳаммаси ҚҚС билан:		7 826 087+1 173 913=	9 000 000

Жами: 15% ҚҚС билан 9 000 000 (Тўққиз миллион) сум.

Бош директор ўринбосари

Р.С. Шарифов

Лойиҳанинг бош муҳандиси

Ж.Мусаев





Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 8983-4562-25с9-4се4-4943-4756-9889
Хужжат яратилинган сана: 2022-03-07
Ариза рақами: 47186836

Хужжат берилган: "TOSHKENTBOSHPLANLITI" DAVLAT
UNITAR KORXONA
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200624959

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун қуйидаги:

Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - 1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ва ҳудуди қисмларини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар. 2. Ўзбекистон Республикаси минтақалари ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар. 3. Аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар. 4. Аҳоли пунктлари ҳудудларини қуриш тўғрисидаги ҳужжатлар. 5. Қурилиш объекти учун муҳандислик-техник қидирувларини (муҳандислик-геодезия қидирувларидан ташқари) бажариш. 6. Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. 7. Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. 8. Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. 9. Қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. 10. Энергетика қурилиши ва алоқа объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. 11. Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. 12. Магистрал муҳандислик тармоқларини (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш. 13. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 14. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш учун ҳужжатлар. Б ГУРУҲИ Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айрим бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари 1. Объектларнинг асослари ва пойдеворлари бўлимини лойиҳалаштириш. 2. Объектларнинг металл конструкциялари бўлимини лойиҳалаштириш. 3. Объектларнинг темир-бетон конструкциялари бўлимини лойиҳалаштириш. 4. Махсус объектлар ва иншоотларни лойиҳалаштириш. 5. Қурилиш объектларини капитал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари. 6. Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш. 7. Бинолар ва иншоотларни мустаҳкамлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари. 8. Коррозияга қарши ҳимояни ишлаб чиқиш. 9. Бинолар ва иншоотларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш: иситиш, вентиляция, кондиционерлаштириш; сув қувури ва канализация; газ таъминоти; газ асбоб-ускуналари; совуқ ҳаво таъминоти; энергия таъминоти; электр асбоб-ускуналари; электр билан ёритиш; электр билан иситиш; автоматлаштириш ва парқдан фойдаланиш коэффициенти; кучсиз токли қурилмалар; вертикал режалаштириш, 10.

Капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов (тендер) хужжатларини тайёрлаш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 07-03-2022 йил

Лицензия рақами: АЛ-001230

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 200624959

Юридик шахснинг почта манзили: Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Bobur ko'chasi, 14-uy

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

XIDAYEV OYBEK XASANOVICH

Мазкур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу хужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Хужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz веб-сайтида хужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

5875





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TOSHKENTBOSHPLANLITI" Davlat unitar korxonasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TOSHKENTBOSHPLANLITI" DUK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

22.04.1992

005517-11

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

200624959

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Davlat unitar korxonasi

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Bobur ko'chasi, 14-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

to'monidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

